Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 10-may • Yakshanba • 56 (29.017) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир.

ЭЗГУ ИШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Истиқлол йилларида ушбу кун инсон хотираси ва қадри улуғланадиган муҳим тарихий санага айланди.

Миллионлаб инсонлар умрига завол бўлган, юзлаб шаҳару қишлоқларга вайронагарчилик, офат келтирган фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўз юртидан олисларда кечган беаёв жангларда жон олиб, жон берган ватандошларимизнинг жасорат ва матонати, фронт ортида тунларни тонгларга улаб меҳнат қилган, сўнгги нонини ҳам ўзгалар билан баҳам кўрган ҳамюртларимизнинг фидойиликлари қалбларда мангу яшайди.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Шу боис Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 15 апрелда қабул қилинган Фармонига мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг пул мукофотлари билан тақдирланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади. Жангларда қурбон бўлган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари қарийб 435 минг нафар ўзбек фарзандларининг жасоратидан сўзлайди.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда, – деди Ислом Каримов. — Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг номлари ва хотирасини ёд этар эканмиз, табиийки, уларнинг ўчмас жасорати олдида бош эгамиз. Бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келаётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу борада бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда қатнашган. Ўша вақтда юртимиз аҳолисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этганини инобатга оладиган ва улар қаторига аёлларни ҳам қўшадиган бўлсак, бу рақам нимани тасдиқлаб беради?

Бу шуни кўрсатадики, қурол кўтаришга қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бу бешафқат урушда бевосита иштирок этган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак.

Шу маънода бугун Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 64 йиллигини нишонлар эканмиз, бундан ўн йил олдин бу санани юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилганимиз нақадар чуқур ўйланганини, унинг теран маъно ва мазмунга эга эканини бугунги ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқламоқда.

Нафақат бизнинг миллатимизда, балки бошқа халқларда ҳам ўтганларни эслаш, хотирлаш, бугун ҳаёт бўлган кексаларни қадрлаш — муқаддас қадриятлардан бири эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Эзгулик, савобли ишлар бесамар кетмайди, деди Президентимиз. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиши керак. Бу халқимизга хос фазилат бўлиб, унинг замирида чуқур маъно-мазмун мужассам.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтмишини хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Ҳар бир халқ ва миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган яхши-ёмон кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур.

Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир. Биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тенг ва ўзаро ҳурматга асосланган сиёсатни, ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни давом эттиришни, нафақат бугунги авлод, балки келажак авлодимиз ҳам уруш балосини кўрмаслигини истаймиз, деди Юртбошимиз.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда бундан ўттиз йил олдин Афғонистонда бошланган урушнинг, афсуски, ҳали-бери охири кўринмайди. Бизнинг Афғонистондаги вазиятни тинчитиш бўйича позициямиз аниқ ва равшан: яъни, бу можаронни фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлаймиз.

Жафокаш афғон халқининг шунча йил давомида кўрган азоб-уқубатларини, бугунги оғир аҳволини инобатга олиб, авваламбор, вайрон бўлган иқтисодни тиклаш, одамларга хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш керак. Токи, бу юртда яшаётган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларнинг таъсирини ўзининг, оиласининг ҳаёти мисолида кўрсин.

Шу билан бирга, Афғонистон халқини, унинг тарихини, маданиятини, диний-миллий қадриятларини топташ эмас, аксинча, ҳурмат қилиш йўли билангина турли миллат ва элатларни бир-бирига яқинлаштириш, у ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мумкин.

Бугунги кунда бизнинг бундай қатъий қарашимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётганидан, ўйлайманки, халқимиз яхши хабардор, деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик боис шаҳар ва қишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровон. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари — кўз ўнгимизда қад ростлаётган бетакрор иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўприк ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қудратли корхоналар — буларнинг барчаси юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, деди Президентимиз. Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшларимиздир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз фарзандларимизга, ёшларимизга қаратиб айтмоқчиман:

Сиз, азизларим, биз бошлаган ишларнинг давомчиси сифатида олдимизга қўйган мақсад — ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, демократик, озод ва обод жамият қуришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чуқур ҳис этиб, замонавий билим, замонавий тараққиёт сирларини эгаллашга албатта қодир бўлишингиз керак.

Биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганиб, бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни англаб, ота-боболаримизнинг мардлиги ва жасоратидан доимо фахрланиб-ғурурланиб яшашимиз зарур.

Ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини, ўз кучига ишончини, элу юртидан ғурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

...Хотира майдонига қадам қўйган кишини ўтмиш хаёлоти чулғаб олади. Бу майдон нафақат ўтганлар ёдини, балки халқимизнинг кечмишини ўзида мужассам этган тарих китобига ўхшайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечакларига бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА мухбири



✓ **ЎзХДП ҳаёти**

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида минтақавий семинар-тренинг ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти вакиллари иштирок этган тадбир «Фуқаролик жамияти институтлари ишида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда самарали шакл ва услубларни қўллаш» мавзусига бағишланди.

АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари мазмун-моҳияти, глобал инқирознинг таъсирини юмшатиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган тадбирлар юзасидан маъруза қилди.

Таъкидландики, жаҳон малиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида хотин-қизларнинг муносиб ўрни бор. Бугунги олдимиздаги асосий масала аёлларнинг фаоллигини янада оширишдан иборатдир. Бу борада «Фаол аёллар» қаноти зиммасига алоҳида масъулият юкланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақличева, ФЖЎИ лойиҳа раҳбари, профессор Лола Саидова ва бошқалар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида жамоат ташкилотларининг ўрни, Ўзбекистонда аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсати, партия фаолларининг аёллар билан ишлаши борасидаги ўзига хос жиҳатлар, «Фаол аёллар» қанотининг ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш масалалари бўйича мулоҳаза юритдилар.

— Хотин-қизларимиз сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этиши, ижтимоий-иқтисодий соҳа тараққиётига, илм-фан ривожига ҳисса қўшишлари учун юртимизда етарли шарт-шароит яратилган, — дейди Қўшкўпир қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори, партия фаоли Сорабиби Матёқубова. — Уларга бу имкониятлардан самарали фойдаланишга кўмаклашиш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бориш зарур. Шу билан бирга, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, меҳнат фаолиятида қулайликлар яратиш борасида партия ташкилотлари бундан-да самаралироқ фаолият юритиши лозим.

— Семинарнинг интерактив машғулот тарзида ўтган қисми, айниқса, менга маъқул бўлди, — дейди Амударё туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Хонимжон Ражабова. — Бунда биз ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган масалаларга алоҳида эътибор қаратдик. Қолаверса, бу борада ўз иштирокимизни кучайтириш масаласини муҳокама қилдик. Белгилаган ва ишлаб чиққан режаларимиз ҳаётга қай даражада татбиқ этилиши ҳар биримизнинг фидойилигимизга боғлиқ.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ **Хушхабар**

ҲИНДИСТОНДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Куни кеча Ҳиндистоннинг Удайпур шаҳрида пауэрлифтинг бўйича навбатдаги Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Қитъамизнинг 30 мамлакатидан 600 га яқин спортчи иштирок этган нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз 13 та олтин, 8 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритди. Айниқса, 52 килограмм вазн тоифасида юртимиз шаънини ҳимоя қилган Алёна Сомованинг тўртта олтин медалга сазовор бўлгани барчани қувонтирди.

— Жамоамизнинг мазкур ғалабаси пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига спортчиларимизнинг ўзига хос тўёнасидир, — дейди республика Пауэрлифтинг федерацияси раҳбари Эркин Қодиров. — Улар ҳеч кимдан кам эмасликларини қитъа миқёсида яна бир бор намойиш этдилар.

(ЎзА)

Суратда: *ғолиб спортчиларимиз Тошкент аэропортида.*

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.

• МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН МАКТУБЛАР 2-бет

• «ОМАД» МАҲАЛЛАГА ГУЗАР ҚУРМОҚЧИ 3-бет

• УСТОЗИ ДОНО, ШОГИРДИ ЗУККО
Шаҳрисабзда шундай коллеж бор 4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Тарихнинг ўчмас саҳифалари

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН МАКТУБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Р-1735-сонли фонди «Фронтдан мактублар» деб номланган. Унда Ўзбек аскарларининг ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига юборган хатлари сақланади.

Мазкур мактубларда жангоҳларда ўзбек ўғлонларининг кўрсатган қаҳрамонликлари, уларнинг эл-юртга бўлган кучли муҳаббати билан йўғрилган шеър ҳамда ҳикоялари ўрин олган. Бу хатлар 1941-45 йиллар оралиғида ёзилган бўлиб мунтазам равишда уларнинг қаламига мансуб шеър ва ҳикоялар газета саҳифаларида чоп этиб борилган.

Аскар мактубларини кўриб чиқиш ва уларга жавоб юбориш ишлари билан асосан хатлар бўлими ходимлари шуғулланган. Масалан, санъат сектори раҳбари Зафар Диёрнинг аскар Умурзоқов ҳамда Рўзиқуловга юборган хатида, уларнинг «Чевар қўлим ўйнатиб» сарлавҳали шеъридан айрим парчалар газетанинг 1942 йил 10 декабрь сонида чоп этилганлиги ҳақида хабар беради.

Шунингдек, аскарларга юборилган мактубларнинг айримларида ўрин етмаганлиги учун уларнинг юборган шеърлари чоп этилмаганлиги билдирилади. Аскарларнинг таҳририятга ёзган мактубларининг баъзиларида эса, таҳририят ходимларидан шеър ёзиш услублари бўйича маслаҳатлар ҳам сўралган. Хусусан, Елабуга шаҳрида хизматда бўлган А.Ҳасанов 1942 йилнинг 14 августида ёзган хатида шеърларини юбориб, уни тайёрлашда ходимлардан кўмак сўраган. Газета бўлим мудири М.Соҳибоевнинг аскарлар Очилов ва Ҳайдаровга йўллаган хатида уларнинг таҳририятга юборган маълумотлари аниқ ва тўлиқ бўлмаганлиги сабабли газета саҳифаларида чоп этилмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур хатда Очилов ва Ҳайдаровнинг «Запутини Фронтидан» номли ҳикоялари ўрин олган бўлиб, унда снайпер Очилов уч ой давомида 52 та фашистни ер тишлатгани ҳақида ёзилган. Таҳририят Очилов ва Ҳайдаровга жанговар эпизодлар ҳақида батафсил ёзиб юбориш ҳақидаги топшириқ беради. Хатларнинг бошқа бирида ўзбек жангчиси Аширмат Эгамназаровнинг таҳририятга юборган хатида фарғоналик пулемётчи Ҳожи Бобоевнинг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ёзади. Ҳожи Бобоев душман тўла бўлган қишлоққа бостириб кириб, бир уйга пистирма қуриб олади ва шу ердан туриб фашистларни ота бошлайди. Фашистлар ҳужумни бартараф қила олишмаганидан кейин, шу уйга ўт қўйишган. Ҳожи Бобоев ёнаётган уйда туриб бўлса ҳам курашни давом эттирган ҳамда уй билан бирга ёниб ҳалок бўлган, аммо душманга бош эгмаган. Сафдошлари қишлоқни олгач, унинг жасадини топишган ҳамда атрофда 300 нафар фашист жангчилари мурдаси ётганини кўрган. Ўзбек жангчисининг бу кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақидаги хабар бутун фронт бўйлаб тарқалган.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ўзбек жангчилари ўз шарафли бурчларини бажариш билан бирга, ижодий фаолият билан ҳам шуғулланиб, ўз сафдошларининг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида мунтазам хабар жўнатиб турганлар. Ўзбекистондаги матбуот нашрлари билан доимий алоқа ўрнатганлар. Улар ўз олдиларида турган қийинчиликларни сабр ва матонат билан енгиб, ғалабага бўлган ишонч билан яшаганлар.

Дилфуза НАСРИДДИНОВА,
Марказий Давлат архиви илмий ходими.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

ОТАМГА

Қаттол жанг кунлари, азиз отажон,
Йўл олган чоғингиз фронтга томон,
Пешонамдан аста ўпган экансиз:
Кўришгунча хайр, деган экансиз
Ишонч учқуни-ла чақнаб кўзингиз,
Шундай бўлган экан айтган сўзингиз:
— Сизларни этмасам ғамдан холос, шод,
Фашист деган зотни қилмасам барбод,
Мутлақо тўхтасин уришдан қалбим,
Ўғлим деб эслама, эй азиз халқим!
Фронт ортидаги фарзандлар учун
Кўрсатиб душманга халқимнинг кучин,
Нафрат жасорат-ла жанг майдонида,
Оталарнинг тўккан қутлуғ қонида,
Отажон, сизнинг ҳам бордир қонингиз,
Жон берганлар аро бордир жонингиз,
Жонингиз кетса-да, номингиз ҳамон,
Қалбда яшамоқда — ўчмас ҳеч қачон
Отажон, қолгандир сиздан менга хос:
Садоқат, Жасорат, Матонат мерос!

1958 йил.

Фарзандлар оталар ҳақида

САТРЛАРГА СОЧИЛГАН УМР

Қаерда бўлмасин, дадамнинг дўстлари, ҳамкасблари билан суҳбатлашишни хуш кўраман. Уста деҳқон, касбилик қишлоқ хўжалиги ходими Гелдиёр Азизов бир воқеани айтиб берганди:

— 1991 йил. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловлар кетаётган бир пайт. Касби туманидан дадангиз вилоят кенгаши депутатлигига номзод эди. Халқ бир овоздан у кишини қўллаб-қувватлади. Мен ўша пайтда сайлов участкасида мутасадди эдим. Шунинг учун бу тафсилотларни яхши биламан.

Мусо ака тез-тез сайловчилар билан учрашиб турардилар. Бирда улар «Хўш, менга нима топшириқлар бор, нима қилай?.. Ахир депутатингизман!» деганларида Фазли қишлоғилик бир оқсоқол ўрнидан туриб: «Болаларимиз тўрт чақирим йўл босиб, қишда лой кечиб, мактабга боришади. Қишлоғимизда мактаб бўлса, яхши эди, қисқаси, бизга мактаб керак!» деганди.

Шундан сўнг у киши аввал бу масалани газета орқали кўтарди, кейин вилоят, туман раҳбарлари билан учрашди. Бир ой деганда, мактабнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Қишлоқ аҳли ҳам қараб турмади, қўлдан келганча ёрдамлашди. Бир йил ичида янги мактаб битди. Икки қаватли, спорт залига эга бу масканга ўшанда кўпларнинг ҳаваси келгани кечагидек эсимда. Мактаб калитини ўз қўллари билан топшириб, ҳар бир қурувчининг елкасига тўн ташлагандилар. Ўша дамда биз — маҳаллий аҳолидан кўра, у кишининг хурсандчилиги чексиз эди. Мана, бу воқеага ҳам қарийб йигирма йил бўляпти. Шу вақт мобайнида бу 41-мактабда минглаб ўқувчилар таълим олди. Ёши улуғ одамлар ҳали ҳам бу масканни «Фалончи қурдирган, фалончининг мактаби», дея раҳматли дадангизни ёдга олишади.

Онам раҳматли ҳам ўрни келганда, «Даданг қурдирган мактаб, шунга анча югур-югур қилганди...» дея эслаб қўярди.

Дадам қаергадир шикоят хатини ўрганиш мақсадида йўлга отланса, кўпинча укаларимдан бирини олиб кетарди. Онамнинг «узоқ жойга нима қиласиз болани эргаштириб», деган эътирозларига, «мен билан юрса, йўл кўради, ҳақиқий ҳаётни кўради, одамлар билан муомала қилишни ўрганади», дердилар. Навбатдаги шикоят хатини ўргангани биз турган Қарши шаҳридан анча узоқ бўлган Деҳқонобод туманига укам Шавкатни олиб кетди.

— Дадамнинг ҳурматлари, обрў-эътиборлари биз ўйлаганимиздан ҳам бошқача экан, — деганди укам. — Ҳозир аниқ эсимда йўқ, борган жойимиз тоғли хўжалик экан. Бола бўлганим учун шикоятнинг ҳам маъносига борганим йўқ. Эсимда қолгани, туман ва хўжалик раҳбари билан хат муаллифлари, аҳоли юзлаштирилди.

Можароли муҳокама уч соатга яқин давом этди. Соат бир яримлар бор. Табиийки, қаердадир тушлик қилиш керак. Туман раҳбарлари «бир пиёла чой» ҳам тайёрлаб қўйишган. Аммо дадам улар билан овқатланишни нимагадир хушламади. Машинада доим дастурхонга ўралган нон билан термосда чой бўларди. Аммо, хат муаллифларидан бири: «Ҳа, мухбир бова, сиз «каттакон»лар билан чой ичасизми?», дея синчков сўраганида, дадам «Мен сизнинг уйингизда чой ичмоқчиман. Қани, ҳовлига бошланг» дедилар. Уйга қайтаётиб дадамдан бунинг сабабини сўраганимда, «сен ҳозирча кўп нарсани тушунмайсан-да, болам», дедилар-да, бироздан сўнг қўшиб қўйдилар: «шундай одамлар хонадонида чой ичсам, уларнинг боши осмонга етади. Кўнгил олиш ҳам ибодат».

Юқоридаги тафсилотлар дадам — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Мусо Каромов ҳаётидан олинган кичик хотиралар. Ваҳоланки, у киши ўттиз йиллик қайноқ фаолияти даврида ёниб ишлади, ёниб яшади.

Даставвал, ҳозирги «Туркистон» газетасида курьер, мусаҳҳиҳликдан меҳнат фаолиятини бошлаб, кейин мухбир, 1971 йилдан то 1978 йилга қадар мазкур газетанинг Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятларидаги махсус мухбири, 1978 йилдан умрининг охири (1994 йилнинг августи)гача «Ўзбекистон овози» газетасининг Қашқадарё вилоятидаги ўз мухбири вазифасида ишлади.

Унинг «Келажак бугундан бошланади», «Опа-сингиллар», «Савдодаги ғавғолар», «Ўринбосар кимнинг эркаси?!», «Қонун ундай дейди, ҳоким бундай...», «Хомталаш», «Тадбиркор бўлиш осон...ми?!», «Ўлмас овоз соҳиби» сингари ўнлаб мақолалари жамоатчилик эътиборига сазовор бўлганди.

— Мусо Каромов «Ўзбекистон овози» газетасига ишга келган пайтда мен газетанинг бош муҳаррири эдим, — дейди оқсоқол журналист Мақсуд Қориев. — Тинимсиз ёзарди, изланарди. Тезкорлик бўйича барча вилоят мухбирларини ортда қолдирарди.

Тошкентга келиб, турли ижодий давраларда дадам тўғрисидаги яхши гапларни кўп эшитдим. Отамни таърифлаганлар таниқли журналистлар, элга машҳур шоиру ёзувчилар. Бу каби эътирофларни эшитгач, кўнглимда ифтихор туйғулари жўш уради...

Шундай лаҳзаларда кўнглимдан бир гап ўтади. Мен дадамнинг — устозимнинг изидан бориб нималарнидир ёзишни ўргандим, ҳамон ўрганаяпман. Кўнглимда бир таскин бор, унинг эзгу амалларини, савобли ишларини қўлимдан келгунча давом эттираяпман.

Илҳом КАРОМОВ

САНЪАТ ЖОНКУЯРИ ЭДИ

Эндигина ҳарбий хизматдан қайтиб келган йигит, ҳали нафасини ростлаб олмасданоқ Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раислигига сайланди. Чунки у Иккинчи жаҳон уруши жангу жадалларида чиниққан, жасорат кўрсатиб, Қаҳрамон бўлиб қайтганди. Бу йигит тошкентлик Мирфайзи боғбоннинг ўғли Самиғ Абдуллаев (1917-1998) эди. Онаси Каромат ая каштачи, дўппи тикувчи чевар, ўғлига «бошингда олам гўзаллиги акс этиб турсин, болам» деб бодом тасвирли дўппини кийдирганди.

Самиғжон болалигидан падари бузруквори яратган боғ ва волидасининг гўзал санъати мафтуни эди. Бу ҳавас уни Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига етаклаб келди. Мусиқа асбобларини ясаш устаси Усмон Зуфаров устахонасига қатнаб, диплом иши учун яратган «Уста Усмон Зуфаров устахонасида» картинаси ҳозиргача Ўзбекистон Давлат санъат музейидаги мумтоз асарлар қаторида сақланмоқда.

1978 йилда чоп этилган «Жасорат» очерклар тўпламини варақлайман: «1943 йилнинг 16 сентябридан 1943 йилнинг 9 октябригача бўлган қизғин жангларда мина қўйилган йўлларни тозалаб, бу билан танкларнинг ўтиши учун йўлнинг хатарсиз бўлишини таъминлаб, душманнинг кучли ўқ ёмғири остида 2798 та турли типдаги минани топиб, зарарсизлантирди. Бу миналарнинг 39 таси олиб бўлмайдиган қилиб, 34 таси ҳеч кутилмаганда «нағма» кўрсатадиган қилиб кўмилган эди...» Ушбу сатрлар сапёр-аскар, лейтенант Самиғ Абдуллаевнинг жангдаги жасоратидан бир қатра холос... Жанг майдонидаги қаҳрамонликлар кейинроқ унинг сеҳрли қўллари билан картиналарда акс этди.

1957 йилда Самиғ Абдуллаев Санъат музейи раҳбари этиб тайинланди. У раҳбарлик даврида миллий санъатимиз ривожига кўпроқ эътибор берилишига эришилди. Музей янги санъат намуналари билан бойитилиб, экспонатлари сони 40 мингтадан оширилди. 1966 йил Тошкентда табиий офат — зилзила содир бўлиб, нафосат маскани биноси қаттиқ шикастланди. Самиғ аканинг раҳбарлик хислатлари амалда билинди. Хавф остида қолган экспонатлар — Шарқ ва Европа санъати намуналари 20 километр узоқдаги Дўрмон маданият саройига кўчирилди. Бу ишларга Тошкент театр ва рассомлик санъати институти талабалари (уларнинг орасида камина ҳам бор эди) ва ҳарбий хизматчилар ёрдам беришди.

Ўшанда устознинг ҳар бир экспонатни кўз қорачиғидек асраши, эҳтиётлаши, бир неча йилдан сўнг музейнинг янги биноси фойдаланишга топширилгандаги қувончи ёдимда муҳрланиб қолган...

«Автопортрет», «Сапун тоғидаги жасорат», «Крим манзаралари» туркуми каби тасвирий санъат асарлари билан ихлосмандлар қалбларидан жой олган Самиғ Абдуллаев меҳрибон устоз, жонкуяр раҳбар сифатида ҳам эл-юрт ҳурматини қозонганди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос.

✱ Иқтисодиёт ва ислоҳот

МЎЪЖИЗА ДЕСА АРЗИЙДИ

замондошларимизнинг ибратли ишлари ҳақида

Ярим асрлик тарихга эга Навоий тоғ-кон металлургия комбинати вилоятда салмоқли ўрин тутади. У мамлакат олтин захирасини таъминлаётган, иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган корхоналардан биридир. Шуни ҳам айтиш керакки, олтиндан ташқари у ўнлаб маҳсулотлар етказиб беради. Шундай тармоқлардан бири комбинатнинг «Дўстлик» агрофирмасидир.

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган Маликчўлдаги қир-адирлар, жарликлар текисланиб, агрофирманинг экин майдонига айлантиргани ҳамон ёдимда. Ҳадемай бу фидойилар нафақат комбинат корхоналарини, балки Навоий шаҳри аҳолисини ҳам чорвачилик, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлай бошлади. Дастлаб унда 37 нафар киши иш бошлаган бўлса, бугун 535 нафар одам меҳнат қилади. Мавсумий ишга ҳам қарийб 80-100 нафар киши жалб этилади. Агрофирманинг экин майдон 1191 гектарни ташкил этади. Шундан 400 гектар ерда ғалла, 100 гектар ерда дон учун маккажўхори, қарийб 230 гектар ерда эса узум, мева, сабзавот етиштирилади. Бедапоя 300 гектардан ошиқ.

Агрофирманинг сутни қайта ишлаш цехида ўн хилдаги сут ва сут маҳсулотлари тайёрланади. Жорий йилнинг ўтган даврида 200 тоннага яқин шундай маҳсулот тайёрлаб, комбинат корхоналари ва шаҳар аҳолисига етказиб берилди. Зотдор сигирлардан ҳар бирининг йиллик соғими 3 минг 526 килограммни ташкил этади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида агрофирма чорвадорлари ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 4 минг килограммга етказишни кўзламоқдалар. Улар Голландия технологияси асосида тайёрлаётган пишлоққа ҳамманинг ҳаваси келади. Сут маҳсулотларини қадоқлашда ҳам хориж технологиясидан фойдаланилмоқда.

Агрофирмада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш борасида ҳам ибратли ишлар қилинаётир. 70 гектар ердаги ўзумзор, 120 гектар ердаги мевали дарахтлардан бу йил ҳам мўл ҳосил олиниши кутилаяпти. Яқинда Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган «Савдо лидерлари» танловида «Энг яхши савдо белгиси» Халқаро совринни қўлга киритилди.

— Цехимизда маҳсулот юқори сифатли бўлишига алоҳида эътибор қаратамиз, шунинг учун илғор тажрибаларни амалда қўллашга ҳаракат қиламиз, — дейди сутни қайта ишлаш цехи бошлиғи Жўрабек Нурматов. — Цехимизда турли-туман сут ва сут маҳсулотлари тайёрланади. Бу маҳсулотлар асосан комбинат ишлаб чиқариш корхоналарига, шифохона ва болалар боғчаларига жўнатилади. Ортиқча маҳсулотларимизни шаҳардаги хусусий дўконларга чиқарамиз. Келгусида уларнинг тури янада кўпаяди.

Цехда голланд пишлоғи ишлаб чиқариш учун яна икки тонна сут қайта ишлашга қабул қилинади. Ишчи-операторлардан Олим Бобомуродов, Сайёра Собирова, технологлар Анвар Жабборов, Назира Бўронова, Инобат Каримовалар маҳсулот юқори сифатли бўлиши учун алоҳида фидойилик кўрсатади.

— Агрофирмамиз асосан 4 та цехдан иборат, — деб ҳикоя қилади унинг директори Расул Ҳусенов. — Ишчиларимизнинг аксарияти ХДП аъзолари. Улар дала деҳқончилигимиз, чорачилик комплексимиз, мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехимиз ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш цехида ҳаммага ибрат бўлишмоқда.

Корхонанинг мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехида йилига 800 тоннагача маҳсулот қайта ишланади, 400 тоннагача тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар асосан шарбатлардан, мурабболардан иборат. Агрофирма йилига 900 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беради. Жумладан, чорвачилик бўйича 600 миллион сўмлик, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш бўйича 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Ўтган йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 миллиард сўмни ташкил этган эди. Жорий йилда бу кўрсаткични 2,5 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилаяпти.

— Ишчи-ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш доим диққат эътиборда. Комбинатга қарашли «Металлург» сиҳатгоҳига ҳар йили 55-60 нафар кишига йўлланма берилди. Фарзандларимиз ёз мавсумини болалар дам олиш оромгоҳида ўтазади, — дейди Ҳалим Бўронов. — Шуни айтиш керакки, партиямиз фаоллари бу ишларда ҳамиша бошқаларга ибрат кўрсатиб келади.

Ҳалим Бўронов ХДП бошланғич ташкилоти раиси. Унинг атрофида 47 нафар партия аъзоси жипслашган. 240 нафар нафақахўр уларнинг доимий эътиборида.

Байрамлар, қутлуғ саналар биргаликда нишонланади. Бу йил Наврўз байрами, айниқса, қувончли бўлди. Байрам дастурхони тўридан электоратимиз вакиллари ўрин олди. Уларга қимматли совғалар улашилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури бўйича бажариладиган ишлар аниқ белгилаб олинган. Яқинда 3 та ёш оилага бир миллион сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. 17 та оилага соғин сигир олиб берилди. Ёш оилалардан 30 тасига ер участкалари ажратилди.

Агрофирмада касаначиликка ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Шу йилнинг ўзида касаначилик йўналиши бўйича 38 та янги иш ўрни ташкил этилди. Кўкламда 24 гектар янги ўрикзор барпо этилди. 500 тонна мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш омбори қуриб битказилмоқда. 200 бош қорамолга мўлжалланган янги чорва комплекси биноси ишга туширилиш арафасида. 2,5 гектар олмазорда дарахтларни томчилатиб суғориш усули йўлга қўйилмоқда...

Агрофирмани айланар экансиз, бир пайтлар яйдоқ чўл бўлган мана шу ерда жаннатдай [illegible]лар яратаётган, бебаҳо нознеъматлар билан дастурхонимизни тўкин, турмушимизни фаровон этаётган бу фидойи инсонларга раҳмат дегинг келади.

Қурбон ТЎҲТАЕВ,
Навоий вилояти.

❖ Депутат ва ҳаёт

КУЧ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг барча мамлакатларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларини Юртбошимиз кўрсатиб берди. Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди. Шундай шароитда халқ ишониб сайлаган депутатлар вазифалари нималардан иборат бўлмоғи керак? Биз ХДПдан халқ депутатлари Бағдод туман Кенгаши депутати Рустамжон Қодировдан бу ҳақда фикрларини сўрадик.

— Мен сайланган ҳудуддаги Каримбобо, Ҳамзаобод, Чек-Хитой қишлоқларида 1278 та хонадонда 5700 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди Рустамжон Қодиров. — Ҳудуддаги иккита маҳалла фуқаролар йиғини раислари Солижон Маҳкамов, Авазбек Ҳамидовлар ҳамкорлигида ҳамда барча фермерлар, фаоллар иштирокида иқтисодий инқирозга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқдик. Унга асосан 30 та фермер хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларга, даларнинг уватларига, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқаларнинг четларига сабзавот, полиз экинлари, ошқовоқ қададик. Айни қиш кунларида плёнка остига картошка, турли кўкатлар эккандик. Ҳамзаободлик Маматқул Сулаймонов 3,5 сотих, каримбоболик Валижон Латипов ва Қувватали Йигиталиевлар ҳам 3 сотих ерда лимонарийлар ташкил этишди. Асаларичиликни йўлга қўйганимиз янада қувонарли бўлди. Ҳозир ҳамзаободлик Ҳакимжон Рўзиев, Содиқжон Маҳмудов, Исмоилжон Баҳовуддиновлар 12-18 тадан уяда, каримбоболик Султонали Тўйчиев, Раҳмонали Раҳимовлар 25-30 та уядаги асаларларни парвариш қилишаяпти.

Инқирозни бартараф этишнинг муҳим омилларидан бири янги иш ўринлари яратиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Шу мақсадда Ҳамзаобод ва Чек-Хитой қишлоқларида иккита тикувчилик цехи ташкил этдик. Каримбобо қишлоғи гузарида хусусий тадбиркор Оббосали Солиев аҳолига савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширди. Бу хайрли ишлар натижасида яқин йигирма нафар йигит-қизга иш ўрни яратилди.

Биз жойлардаги учрашув ва суҳбатлар жараёнида, Президентимиз асарлари мазмун-моҳиятини тарғибот қилаяпмиз. Одам савдосининг оқибатлари, диний экстремизм, терроризмнинг турмуш тарзимизга ёт эканлиги, миллий урф-одатларимиз ҳамда қадриятларимизни эъзозлаш мавзуларида тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Барча маҳаллаларда ҳурматли кексаларимизнинг тарғибот-ташвиқот ишларига жалб қилингани, каттаю кичикнинг ҳамжиҳатлиги ўз самарасини бермоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тажриба

Навоий машинасозлик заводи мутахассислари ўзлари ишлаб чиқарган полиэтилен шланглар ёрдамида томчилаб суғориш технологиясини яратди.

ТОМЧИЛАБ СУҒОРИШ САМАРАСИ

Сув сарфини 2-3 баробар тежайдиган бу илғор усул дастлаб Тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмаси далаларида синовдан ўтказилди.

— Томчилаб суғоришнинг афзаллиги шундаки, ёз чилласида сув бугланиб кетмайди, — дейди агрофирма директори Расул Ҳусанов. — Бунинг устига ҳар бир ниҳол етарли намликни олади. Энг муҳими, сув сарфи тежалади. Илғор усул самараси ўлароқ, ҳисоб-китобимизча, йилига 4,5-5 миллион сўм фойда кўрамиз.

(Ўз мухбиримиз.)

Туҳфа

АНДИЖОННИНГ БАХТ УЙИ

Андижон шаҳри марказида янги бахт уйи тантанали очилди.

Энг замонавий меъморий андозалардаги бу кошона Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ажратилган 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилди.

Бахт уйини «Андижонтранстаъмирқурилиш» савдо ишлаб чиқариш корхонаси қурувчилари барпо қилдилар. Атрофи кўкаламзорлаштирилиб, фавворалар қурилгани бахт уйининг фусункорлигини оширди. Бу ерда Паризод ва Озодбек Абдуллаевлар, Гулзодахон ва Абдуҳолиқ Ҳамроқуловларга никоҳ гувоҳномалари, эсдалик совғалари топширилди. Янги бахт уйида биринчи бўлиб никоҳдан ўтганлари ёш келин-киёвлар ёдида бир умр қолади.

(Ўз мухбиримиз.)

✓ ЎзХДП фаоллари

«ОМАД» МАҲАЛЛАГА ГУЗАР ҚУРМОҚЧИ

Наманган маданият коллежига Уйчи туманидаги «Омад» фермер хўжалиги раҳбари Акбарали Ҳасановнинг келиши кўпчиликни мамнун этди. Чунки у фермер хўжалиги аъзоси Азизахон Нурматованинг фарзанди Наргиза Нурматовани йўқлаб келган эди. Қишлоқ мулкдори Наргизани мактабда ўқиётган

пайтларида ҳам тез-тез сўроқлаб турар, бўлажак мусаввирнинг истеъдодини ривожлантириш учун моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келаётганди.

Акбарали Ҳасанов коллеж директори Равшанжон Муродов, ўқитувчилар Абдумалик Набиев, Дилмурод Ўрмонов, Ҳасанбой Пўлатовлар билан учрашиб, Наргизанинг ижод намуналаридан кўргазма ташкил этиш таклифини киритди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Акбарали Ҳасанов қишлоғидаги 40-умумтаълим мактабига 100 минг сўмликдан зиёд китоб совға қилди. Хўжалик ишчилари фарзандларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, офисга 2 та компьютер ўрнатиб, уни интернетга улатди.

Бугунга келиб ер майдони 57,4 гектарни ташкил этган, 21 киши меҳнат қилаётган фермер хўжалиги жамоаси ўтган йили пахта ва ғалладан 20 миллион сўм даромад қилишга эришганди. Бундан ташқари, бу ерда 11 бош қорамол, 4 бош қўй, 100 дан зиёд товуқ парваришланмоқда. Лизингга олинган тракторлар ишчилар оғирини енгил қилмоқда.

— Ўтган йили биз сувчи ва механизаторлар шартномадагидан ташқари 1 тоннадан буғдой олдик, — дейди Бекмирза Турғунов. — Жамоадагилар рози-ризолиги билан қишлоғимиздаги кам таъминланган оилага ҳам баҳоли қудрат буғдой тарқатиб дуо олдик.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш, қишлоқ ободончилигига муносиб ҳисса қўшиш нияти билан астойдил интилаётган «Омад»чилар раҳбари қишлоқдаги Қўрғонча маҳалласига ўхшатиб бир гузар қуришни режалаштирмоқда. Маҳалла йиғини раиси Фазлиддан Жўрабоевнинг айтишича «Омад» қурадиган гузарда 8 та янги иш ўрни яратилади. Касаначилик асосида маҳалланинг чевар хотин-қизларига буюртмалар ташкил этилади.

Кишининг жамиятдаги ўрни энг аввало оилавий ҳаёти билан боғлиқ бўлади. Акбарали ака доимий кўмакдоши, турмуш ўртоғи Фароғатхон опа билан тўрт қиз бир ўғилни тарбиялаб элга қўшди. Одамлар корига яраётган, олқишига сазовор бўлаётган оила фарзандларининг бари олий маълумотли. Турли соҳаларда фаолият юритишмоқда.

Ишнинг кўзини топган, ташкилотчи, серғайрат ва савобталаб, замонавий деҳқоннинг даласида байрамлар, шодиёналар кўп бўлади. Бу режа бажариладиган, ишчилар тақдирланадиган, ўзларидан орттириб олинган ҳосилдан эҳтиёжманд ҳамқишлоқлар хонадонига йўқловлар уюштириладиган кунлар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБОД ҚИШЛОҚ МАНЗАРАЛАРИ

Бугунги кунда нафақат шаҳарларимиз, балки қишлоқларимизда ҳам кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилянти. Хусусан, 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида кўпгина қишлоқларимизда аҳолига хизмат кўрсатувчи турли шохобчалар, корхоналар ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Тошлоқ туманининг Тўхтабоев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинида барпо этилган маиший хизмат кўрсатиш, савдо, тикувчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари туман аҳолисига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда.

Суратларда: *қишлоқдаги сервис ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.



БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ
узунлиги аниқланди

Хитой олимлари Буюк Хитой деворининг узунлиги қанча масофани ташкил этишини аниқ далиллар асосида ўрганиб чиқдилар.

Маълум бўлишича, унинг узунлиги 8 минг 851 километру 800 метрдан иборат экан. Бу ҳақда ХХР давлат картография бошқармаси маълум қилди.

Ҳарбий истеҳком нуқтаи назаридан бунёд этилган ушбу йирик, қадимий иншоот мамлакат ғарбидан шарққа қараб ястанган. У 156 та уезд ва 10 та музофот ҳудудидан ўтган. У бир хил турда қурилмаган — айрим жойлари тоғларга уланиб кетгани учун девор қурилмаган, аммо тоғлар девор ролини ўйнаган, айрим жойларда эса девор ўрнига узундан-узун ҳандақлар қазилган ва сув билан тўлдирилган.

Шундай қилиб, деворнинг ғишт ва тошлардан бунёд этилган қисми 6260 километрни ташкил этган, 2232,5 километри тоғлардан иборат, 360 километри эса ҳандақлар.

Буюк Хитой девори қурилиши эрамиздан аввалги учинчи асрда Цин Шихуан ҳоқонлиги даврида бошланган. Бугун сайёҳлар томоша қилаётган деворлар эса Мин сулоласи даврида бунёд этилган. У «атиги» 600 йиллик тарихга эга.

Ҳозирги кунга келиб, деворнинг катта қисми, яъни учдан икки қисми вайронага айланган. Олимларнинг айтишларича, улар асрлар силсиласига дош беролмаган, бу ҳам етмагандек, маҳаллий аҳоли унинг ғиштошларини ўз эҳтиёжлари учун кўчириб олиб кетган.

✱ Тадбир

ХОНОБОД ТАРОВАТИ

Хонобод шаҳрида «Хонобод таровати» вилоят ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль Андижоннинг машҳур санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаевнинг хотира тадбирига уланиб кетди.

Фестиваль Хоноободнинг барча боғлари, дам олиш масканларини қамраб олди. Бобур Мирзо номидаги маданият ва истироҳат боғида Хонобод маданият уйи жамоаси, Фозилжон ота зиёратгоҳида эса «Мерос» ансамбли концерт дастурини намойиш этди. Спорт мусобақалари қизғин ўтди. Марказий ўйингоҳда қизиқчи ва аскиячиларнинг вилоят кўрик-танлови ташкил этилди.

Фестивалда қатнашган Сойиб Хўжаевнинг рафиқаси Фазилатхон буви Мўминова, ўғли Абдусаттор Хўжаев санъаткорга кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиромдан хурсанд бўлдилар.

Ўзбекистоннинг «Швейцария»си деб ном олган навқирон Хонобод шаҳрининг тоза-мусаффо ҳавоси, кўм-кўкликка, турфа дарахтларга йўғрилган боғлари ёшларнинг орзу-истакларига ҳамнафас бўлди. Келажак эгаларини янада руҳлантирди.

Аҳмадилло Солиев,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖАРРОҲЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИ УЧУН
ҳукумат пул тўлайди

Австралияда кимки озишни хоҳлаб, турли тиббий усулларни қўлласаю ёрдами бўлмаса, унга жарроҳлик йўли билан озиш таклиф этилади. Жарроҳлик операциясини амалга ошириш орқали ортиқча вазнли мижоз қорин атрофидаги ёғ қатламидан халос бўлиб, 60 фоизга енгиллашади. Бу эса диабет ва юрак-қон-томир касалликларига чалиниш ҳолларини камайтиришга ҳисса қўшади, дейилади «The Herald Sun» газетаси чоп этган ахборотда.

Жарроҳлик операцияси учун харажатлар ҳукумат томонидан қопланиши мўлжалланмоқда.

Маълумки, Австралия АҚШнида ортда қолдириб, энг семизлар мамлакатига айланиб бормоқда. Бугунги кунда аҳолининг учдан бир қисми семизлик «касали»га йўлиққан. Бу эса ҳатто анъанавий андазаларни ўзгартиришга мажбур этмоқда. Масалан, 2007 йилдан бу ерда махсус «тез тиббий ёрдам» машинаси фаолияти йўлга қўйилган. Унинг замбиллари ва кроватлари улкан ҳажмда ясалган бўлиб, 200 килодан ортиқ беморларни шифохоналарга етказишда фойдаланилади.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАРИ
савдоси камайиб кетди



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўз таъсирини ўтказмаган соҳа қолмаяпти ҳисоб. У мобиль телефонлари савдосини-да ўз домига тортди.

Британиянинг «Strategy Analytics» тадқиқот компанияси маълумотларида қайд этилишича, дейилади «BBC News» ахборотида, жорий йилнинг биринчи чорагида мобиль телефонлари савдоси дунё бўйича 13 фоизга тушган, яъни 3 ойда 345 миллион дона қўл телефони сотилган.

Соҳа етакчиси ҳисобланган Финляндиянинг «Nokia» компаниясида бу пастлаш 19 фоизни (115,5 миллион дона мобильник сотилган) ташкил этган бўлса (унинг жаҳон бозоридаги улуши 41 дан 38 фоизга тушган), «Samsung» аксинча, савдосини 16 дан 19 фоизга кўпайтириб олган, аммо жаҳон бозоридаги умумий савдоси 1 фоизга камайган.

Инқироздан энг кўп жабр кўрган «Motorola» бўлди — савдоси 3 ойда 46 фоизга камайди, жаҳон бозоридаги улуши эса 10 дан 6 фоизга тушди. Бу билан у дунё рейтингидаги учинчи ўринни «LG» концернига бўшатиб берди.

«Sony Ericcson» компанияси савдоси 40 фоизга тушиб, жаҳон бозоридаги улуши 8 дан 5,9 фоизга пастлади. «Apple» компанияси савдо ҳажмини оширишга муваффақ бўлган бўлса-да, аммо унинг жаҳон бозоридаги улуши кам. У 3 ойда 3,8 миллион дона «iPhone» сотолган, «Sony Ericcson» эса 14,5 миллион дона.

Россияда ҳам мобиль телефонлари савдосининг пасайиши кузатилган, яъни 5,48 миллион дона сотилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29 фоиз камдир.

❖ Иқтисодиёт ва ислоҳот

МИЖОЗ МАНФААТИ МУҲИМ

Республикамизда иқтисодиёти тўлиқ шаклланган, мижозлари ва амалдаги активлари мунтазам ошиб бораётган банклар қаторида «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки ҳам бор. Банкнинг Навоий вилоят филиали иши, айниқса, ибратли. Буни банк мижозлари сонининг 1546 тадан зиёдлиги ҳам кўрсатиб турибди. Натижада амалдаги жами активлари ёхуд умумий капитал айланма маблағи 26 миллиард 400 миллион сўмдан ҳам ошиб иқтисодий барқарорликка эришилди. Биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзи жами 1386 тани ташкил этмоқда. Кейинги икки йил мобайнида улар сони 110 тага кўпайган. Аҳолига ипотека, истеъмол, чорва моли харид қилиш учун берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар миқдори бир йил давомида 500 миллион сўмдан ошиб кетди.

Хусусий бизнесга 1,5 миллиард сўмлик сармоя берилди. Бунга мисол қилиб вилоятдаги «Каъбам чироғи» шўъба корхонасини кўрсатиш мумкин. Асосан қурилиш ва саноат моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бу корхонага ўтган йили банк томонидан 50 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит ажратилган эди. Тадбиркор Вафоқул Жумаев 30 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлди. «Фито-фармлик» масъулияти чекланган жамият раҳбари Абдурашид Маматов эса банкдан қисқа муддатли 500 миллион сўм кредит олиб, янги дорихона очди. Натижада 20 нафар йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлди. Ўктам Бобоев эса 500 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига «Навоий улгуржи савдо инвест» масъулияти чекланган жамиятни ташкил этди. 60 та ишчи ўрни яратилди.

200 миллион сўм кредит берилгани боис Навоий ГРЭСида кўплаб ходим ўз турмуш тарзини яхшилаб олди. «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамиятига янги тўртинчи куйдириш линиясини барпо этиш учун 1 миллион 29 минг АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада корхонада янгидан яна 50 та иш ўрни яратилди. Ёки «Метан қурилиш савдо» масъулияти чекланган жамиятига 90 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя берилиб, полиэтилен ва пропилен қоплар ишлаб чиқаришга асос солинди.

Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, мунтазам молиялаш борасида ҳам филиал жамоаси пешқадам. Хатирчи туманидаги «Гўзал Маржона» фермер хўжалиги бундан 5 йил муқаддам банкдан ғалла ва пахта етиштириш учун 35 миллион сўм кредит олган эди. Ҳозир фермер Аҳмад Эшмуродовнинг банкдаги айланма маблағи 100 миллион сўмдан ошиб кетди. Қизилтепалик фермер Абдурауф Ярашев эса банкдан 95 миллион сўм кредит олганди. Олган фойдаси эвазига «БТ-150» ҳайдов трактори ҳамда «МТ-80» чопиқ трактори харид қилди.

Шунингдек, банк мижозлари пластик карточкалардан кенг фойдаланиши учун филиал жамоаси хайрли ишларни амалга оширмоқда. «VISA» халқаро пластик карточкалари тизими биринчилардан бўлиб йўлга қўйилди. Халқаро карточканинг «VISA ELEKTRON» ва «VISA KLASSIK» турлари жорий этилган. Биргина Навоий шаҳрининг ўзидаги хизмат кўрсатиш шохобчаларида 110 та дан «VISA» терминаллари ўрнатилган. Бундан ташқари, карточка эгаларининг хоҳиш-истагига кўра 16 ёки 24 фоизли даромад қўшиб ҳисобланадиган омонат турларининг жорий этилаётганлиги ҳам мижозларга катта қулайлик яратмоқда.

Аҳолининг бўш маблағи, яъни омонатини банкка жалб этишда ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Масалан, ўтган йил давомида ва жорий йил биринчи чорагида омонатчилардан жами 500 миллион сўмдан зиёд маблағ қабул қилиб олинди. Банк филиалининг бугунги кунда замонавий компьютер технологияларига эга бўлган 3 та мини банки, 4 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 6 та жамғарма кассаси ташкил этилган бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларга, қоларверса, аҳолига доимий равишда намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг ўтган тўрт ойи мобайнида энг олис қишлоқ ва овуллардаги ободончилик, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари учун ярим миллиард сўмга яқин сармоя ажратилди. Шунингдек, «Сайқал Номоз» хусусий фирмасига чарм пойабзал, мўйнали телпак, чарм куртка ишлаб чиқариш учун 30 миллион сўм, Кармана туманидаги «Агромаҳсулот» шўъба корхонасига эса қишда ҳам сархил ноз-неъматлар етиштириш, халқимиз дастурхонини помидор, бодринг билан тўлдириш мақсадида 20 миллион сўмлик қўшимча кредит берилиб, иссиқхона хўжалигини кенгайтиришга имкон яратилди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Ҳунар — зар

УСТОЗИ ДОНО, ШОГИРДИ ЗУККО

Шаҳрисабзда шундай коллеж бор

Шаҳрисабз шаҳрида бир нечта нон чиқарадиган катта корхона бор. Аммо қайсидир коллежнинг цехида пиширилаётган нон ва бошқа маҳсулотларнинг харидори кўп эмиш. «Ёлғони йўқ, бу гапнинг», деди бу ҳақда сўраганимда Шаҳрисабз туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким

ўринбосари, партиямиздан туман кенгаши депутати Шаҳодат Асланова.

Туман ҳокимлиги биносининг шундоқ ёнида қад кўтарган қўшқаватли бино Озиқ-овқат ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи экан. Ҳовлиси панжара билан ўралган, хоналар ораста. Қизиқишим етаклади — нон маҳсулотлари қандай тайёрланаётгани билан биринчи галда танишишга ошиқдим. Биринчи қаватдаги кенг хонага кирдик. Рости, қойил қолдим. Польша давлатида тайёрланган «JEREMU» русумли хамир қориш, қолип нон, печенье ва бошқа нон маҳсулотлари тайёрлайдиган энг замонавий ускуналар Шаҳрисабздаги бирорта корхонада йўқ. Шогирдларига ҳам ўргатиб, ҳам нон пишираётган Азимжон Абдуллаев олий маълумотли мутахассис.

— Унчалик эмас-у, аммо харидорлар маҳсулотимиздан нолиган эмас, — кулимсирайди Азимжон. — Бир соатда 250-300 килограмм нон ва нон маҳсулотлари тайёрлай оламиз. Маҳсулотни буфет орқали ёки талаб қилган харидорларга етказиб берамиз. Маблағ коллеж кассасига тушади. Агар ун учун етарли фонд ажратилса, маҳсулотни кўпайтириш мумкин. Бироқ энг муҳими, ўқувчиларнинг ана шу анча мураккаб ускуналарни бемалол бошқариб, сифатли маҳсулот чиқаришни ўрганаётганида!

— Мен нон маҳсулотлари пиширишга қизиқиб қолдим, — дейди ўқувчи Тоҳир Раимов. —



Чунки бу цехда кўп жараёнлар автоматлашган. Умуман, шу ҳунарни эгалласам, дейман...

Бошқа цехларни кўрмоқчи бўлиб турганимизда, коллеж директори Комила опа Эгамованинг ўзи келиб қолди. «Асли бухороликман, Шаҳрисабзга келин бўлиб тушдим», дейди опа жилмайиб. Ажойиб тақдир. Комила опа Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида таҳсил олган. Шаҳрисабзга келгач, қайта ишлаш корхоналарида технолог бўлди, маориф соҳасида ишлади. Ташаббускор, изланувчанлиги туфайли эъзоз топди. 2002 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Коллеж директорлигига тайинланди. Опа энг аввало танланган йўналишлар бўйича иқтидорли ўқитувчиларнинг ишлаши учун ҳаракат қилди. Руҳиятшунослик фани ўқитувчиси Лола Жабборова, ҳам ёшларга таълим бериб, ҳам илмий изланиш олиб бораётган Жамол Мирзаев ва бошқа ўнлаб ўқитувчилар шогирдлари қалбига йўл топишмоқда. Комила Эгамованинг ўзи ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш технологияси фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш мавзуси бўйича илмий изланиш олиб бораётган экан. 2004 йилда Тошкентдаги Абдулла Қодирий номли нашриёт опанинг «Мева ва сабзавот маҳсулотларини консервалаш ҳамда сақлаш технологияси» номли ўқув қўлланмасини чоп этди. Бу китоб илмий изланишларнинг маҳсули эди. «Консервачиман, шу туфайли 2-цехга ўзим йўл бошлай қолай», дейди опа ҳазиллашиб.

Иш устаси Жаҳонгир Ҳайитов бошчилик қилаётган 2-консервалаш цехи, рости, энг замонавий консерва корхонасидан қолишмайди. Польшанинг «ABPLANALP» фирмаси ускуналари ўрнатилган. Маҳсулотни ювиш, саралаш, консервалаш узлуксиз олиб борилади. Кунига 3 тоннагача маҳсулотни қайта ишлаш мумкин экан. Жаҳонгир Ҳайитов ўқувчиларга хориждан келтирилган бу замонавий ускуналарни ишлатиш жараёнини амалда кўрсатиб, дарс ўтарди.

— Машғулотга халақит бермаймиз, — дея бошқа хоналарга бошлайди Комила Эгамова. — Ўқувчиларимиз ёз ва кузда бемалол консерва ишлаб чиқаришади ва уларни савдо шохобчаларига чиқарамиз. Бу билан нима демоқчиман? Биз касб ўргатаяпмизми, ёшлар замон талаб қилаётган барча кўникмани эгаллашсин. Коллежимизда ёшлар нафақат назарий билим, балки амалда ҳам етарли тажриба тўплаши лозим.

— Опа, Юртбошимиз ўтган йили Конституция байрамида айнан касб-ҳунар коллежлари тизимида 80 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш тўхтатилганлигини алоҳида тилга олиб ўтдилар. Бу ҳақда нима дейсиз?

— Ўйлаб кўринг, ёшлар коллежни тугатса-ю, ҳунари бўйича иш тополмаса ёки ҳаёт йўлини белгилай олмаса... Биз ҳам шу ҳақда ўйлаб, замонга мослашишга ҳаракат қилаяпмиз. Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, ҳатто, Самарқанддаги қайта ишлаш корхоналари билан ҳунарли ишчилар тайёрлаб бериш юзасидан шартномалар тузаяпмиз. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ўзи ҳам мустақил иш юритиш кўникмаларини эгаллаяпти. Масалан, коллежимизда 800 нафардан ошиқ ўқувчи таълим олаётган бўлса, шунга мос, келажаги бор йўналишлар танланган. Нон маҳсулотлари, консервалаш йўналишини кўрдингиз. Шаҳрисабз — жаҳон сайёҳлари эътиборига тушган шаҳар. Шунинг учун янги, замонавий меҳмонхона қурилаяпти. Биз ҳозир 75 нафар ўқувчи таълим олаётган халқаро туризм бўлимини очдик. Автомобилга техник хизмат кўрсатиш бўлимида 30 нафар бола таълим олаяпти. Биз Польша ва Корея давлатларининг айрим лойиҳаларига лойиқ кўрилдик. Натижада коллежимизда ўқув техникалари кўпайди. Қани, юринг-чи!

Опа билан бошлашиб, тикувчилик касбини эгаллаётган қизлар машғулот ўтказаётган хонага бордик. Жами 20 та машина. Шундан 2 таси кашта тикишга мослашган, айримлари электрон дастур орқали бошқариларкан. Тикувчи, дизайнчи қизлар тайёрлаган кийим-кечаклар бежирим, чиройли.

Коллежда яратилган шароит ўқитувчиларнинг фидойилиги, кўзлари чақнаб турган ёшларни кўриб хаёлга шундай фикр келди: «Бу даргоҳнинг устозлари доно, шогирдлари зукко. Ҳаёт шундайларни хуш кўради».

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Қизил Ярим Ой жамияти

КЎНГИЛЛИ МЕҲР-ШАФҚАТ ХИЗМАТИ

Халқимиз сиҳат-саломатлигини муҳофазалаш, мураккаб экологик ҳудудда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ҳар биримизнинг вазифамиз. Айниқса, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат, хайрия ташкилотлари бунда ўзига хос ўрин тутади. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти шуларнинг биридир.

1992 йилнинг май ойида Қизил Ярим Ой жамияти республикамизда мустақил Миллий жамият сифатида эътироф этилган. У 1995 йили Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Жамиятлари Федерациясига 165-аъзо сифатида қабул қилинган.

Шундан буён у Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатида фаол қатнашиб келади. 1997 йилда Бош Ассамблеяда Халқаро Федерациянинг Фавқулодда вазиятлар бўйича Низом комиссияси аъзоси, 2001 йилда эса комиссия аъзоси этиб сайланди. Ҳозир республикамизда унинг 15 та ҳудудий бўлинмаси, шаҳар ва туманлардаги филиалларида 4800 дан ортиқ бошланғич ташкилотлар 1 миллион 250 минг нафардан ортиқ аъзо ҳамда 42 минг нафардан ортиқ кўнгиллиларни бирлаштирган.

Жамият аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига инсонпарварлик ва тиббий ёрдам бериш, фавқулодда вазиятда аҳолига биринчи ёрдам кўрсатиш, уларни кўнгиллилар сафига жалб этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари бўйича фаолият юритади.

Маълумки, ер юзида глобал исиш жараёни давом этаяпти. Табиийки, ҳудудимизда ҳам иқлим ўзгаришлари, тупроқ эрозияси, ер кўчкиси каби ҳодисалар юз бераяпти. Шунинг учун жамият табиат ҳодисалари асоратини юмшатиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Масалан, ҳудудимизнинг ер кўчиш хавфи бўлган Навоий, Наманган ва Қашқадарё вилоятларининг тоғолди туманларида лойиҳа доирасида 30 минг туп дарахт кўчати ўтқазилди. Жойларда ушбу лойиҳани бажаришда маҳаллий аҳоли ва мактаб ўқувчиларидан иборат волонтёрлар фаол қатнашдилар. Шунингдек, жамиятнинг меҳр-шафқат ҳамширалари ёлғиз кексалар, оиласида ногирон боласи бор, боқувчисини йўқотган инсонларга кўнгилли бўлиб тиббий хизмат кўрсатаяпти.

Маълумки, жамият томонидан ногиронларнинг ижтимоий-руҳий реаблитацияси, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ОИВ/ОИТС профилактикаси бўйича ҳам лойиҳалар амалга оширилди.

Бугунги кунда ҳар қандай ташкилот ёки корхона, жамият тараққий этиши учун дунё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилади. Бинобарин, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Испания, Исландия, Норвегия, Финляндия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония Миллий Жамияти билан ҳамкорлик қилиб келади.

Аҳолининг ижтимоий, тиббий ҳимояга муҳтож қатламига кўнгилли меҳр-шафқат хизмати кўрсатишга бел боғлаган бу жамият ҳиммат ва саховати билан қадрлидир.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Alisher Ro`ziev

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
T — 449
13111 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.10
Topshirilgan vaqti — 22.10
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

ОДАМИЙЛИК

Хулқинг магар хушдир эй инсон,
Бўлмасанг-да зукко, билимдон.

Ҳар бир жойда кераклидурсан,
Ширин жонлар сенгадир қурбон.

Назокатлар, нозлар, иболар,
Чиройингдир, яхши бил ҳар он.

Хуш хулқидан севилур одам,
Деганлари ҳеч эмас ёлғон.

Бўлсанг оқил, дилкашу, дилдор,
Иззат топиб, топмассан зиён.

Бўла олгин одамий одам,
Одамийлик энг олий унвон.

Бибисара ОТАЕВА.

БЕКОБОД ФУТБОЛ МАКТАБИ



Бундан ўн-ўн беш йил илгари фарзандининг футболчи бўлишини истаган ота-оналар махсус мактаб қидириб овора бўлишарди. Бундай масканлар эса асосан Тошкентда жойлашганлиги боис, аксарият вилоятларда яшовчиларнинг орзулари армон бўлиб қоларди. Бугун эса бу каби ташвишларга ўрин қолмаган.

Мамлакатимизда болалар спорти, жумладан, болалар футболини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда ҳар бир профессионал футбол клуби қошида махсус мактаблар, туман ва вилоятларда футбол мактаб-интернатлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда минглаб болалар футбол сирларини ўрганишмоқда. Бекободдаги «Ўзметкомбинат» АИБ қошидаги болалар футбол мактаби ҳам ана шундай масканлардан бири саналади. Мазкур мактабни Ўзбекистон профессионал футбол лигаси вакили Бекободнинг «Металлург» футбол клуби ўз оталиғига олган.

— Мактабимиз очилганига эндигина икки йил тўлди, — дейди Бекобод футбол мактаби директори Қаҳрамон Нурматов. — Ҳозир бу ерда икки юз нафар ўқувчи дарсдан бўш вақтларида футбол билан шуғулланишмоқда. Мактабимизда Шерали Бобоқулов, Илҳом Ҳамзаалиев сингари саккиз нафар мураббий болаларга машғулот ўтишмоқда. Уларга қараб ҳавасим келади. Бизнинг болалик чоғимизда оддий кета ёки копток топиш амри маҳол эди.

Бекободлик ёш футболчилар яқинда Самарқанд шаҳрида болалар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда муносиб иштирок этишди. Мактабнинг 1995-96 йилларда туғилган болалардан тузилган жамоаси 14 та қатнашчи ўртасида тўртинчи ўринни эгаллади. Эътиборлиси, турнир якунида бекободликлардан Азизбек Матмусаев «Энг яхши ярим ҳимоячи» номинацияси ғолиби, Сирож Тошпўлатов эса мусобақада тўпурар бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

Табиат ва инсон

БОРЛИҚ БИЗНИНГ УЙИМИЗ

Боғдоднинг Самарқанд қишлоғи чиройли, мафтункор манзараси билан туманда машҳур. Мен болалигимда қишлоқнинг хуш ҳавосидан нафас олиб, Сух дарёсидан оқиб келувчи зилол сувларидан симириб улғайганман. Туғилган гўшамда оила қуриб, фарзандлар камолини кўриш насиб этаяпти, шунисига шукур.

Афсуски бугунги кунда қишлоғимизнинг табиати илгариги тароватини йўқотган. Шундоқ кўз ўнгимизда эшигимиз олдидаги шарқираб оқаётган ариқ суви ифлосланиб булғанаяпти. Илгари арикдан ҳовучлаб-ҳовучлаб сув ичардик, энди эса идиш ювиш, қўл чайгани ҳам уни тиндириб ишлатамиз.

Кун ора қувур оғзига қўйилган сеткани олиб, тўпланиб қолган полиэтилен, пластик буюм бўлаклари, шприц, маиший чиқиндилардан тозалайман. Тўғриси, бир марта истеъмолга мўлжалланган буюмлар бизга қулайлик яратади, аммо баъзилар улардан фойдаланиш маданиятини билишмайди.

Ишга кетаётиб йўл бўйидаги коллекторларга назар солиб, очиғи, таъбим хира тортади. Чунки уларга ўнлаб, юзлаб баклашкалар уюлиб тиқилиб қолган. Зах сувларни бартараф этиш учун катта меҳнат эвазига барпо этилган иншоот маиший чиқиндилар билан тўлдирилиб, ишлаш тизими ишдан чиқариляпти.

Қишлоқ жойларда маиший чиқиндиларни ташлаш учун махсус жойлар йўқ, ҳовлининг бир бурчагига ҳандак қазишдек қадимги одати нимагадир урфдан чиқиб қолган. Оқибатда маиший чиқиндиларни хонадонлар сувга оқизишяпти. Наҳотки, аёлларимиз, келинларимиз бу гуноҳ эканлигини билмаса?! Ота-боболаримиз: «саранжом-саришта уйдан ахлат чиқмайди», деб бежиз айтишмаган. Беихтиёр ўйга толади киши, сувнинг истеъмолга яроқсиз даражада ифлосланаётганини кўриш учун, албатта, мутахассис бўлиш керакми? Наҳотки, покдамон турмуш тарзига эга бўлган халқ бўлатуриб, бугун ўз ўйимиз — борлиқ-табиатни асраш маънавий бурч эканини унутиб, уни булғасак?! Бугун бу эҳтиёж қалб заруратига айланиши учун барча баравар курашадиган вақт келди. Кўчада уч-тўртта одам тўпланганини кўрсам, беихтиёр шу мавзуда гап очаман уларга.

Токи ҳар бир оила бошлиғи фарзандларига, келин-қизларига, набираларига табиатга меҳр-эҳтиром кўрсатиш зарурлиги сабоғини бермас эканлар, мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари камлик қилади.

Бугун биз маҳаллаларда, айниқса, ёшлар орасида ер юзида рўй бераётган экологик ҳодисалар, глобал муаммолар, табиий офатларнинг келиб чиқиш сабаблари, табиат билан уйғун яшаш йўллари ҳақида видеофильмлардан фойдаланиб, суҳбатлар ўтказишни кучайтиришимиз керак. Яхна ичимликлар савдоси билан шуғулланадиган дўконлар ёнида бўш баклашкаларни қабул қилиш пунктлари очилса, сотилган ичимликлардан бўшаган идишларни қайта топшириш



мажбурий қилиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Борлиқ, табиат, аслида, ўз уйимиз, уни соф сақлаш орқали биз ўзимизни, келгуси авлодларимизни асраймиз, буни ёдда сақлаш керак.

Ҳасанбой ЮЛБАРСОВ,
Фарғона вилоят экологик Экспертизаси бош мутахассиси.